

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: Глобаллашув ва дин

ТАЙЁРЛАДИ: Эргашев А.

1-хукук 2-курс

ТОШКЕНТ-2012

Режа:

1. Кириш
2. Глобаллашув ва ахборотлашган жамият муаммолари
3. Онгни бошқариш технологиялари.
4. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш-барқарорлик ва хавфсизлик омили.
5. Хулоса
Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Бугунги кунда кишилик жамияти ривожига кучли таъсир кўрсатаётган, унга ўзига хослик бахш этаётган ижтимоий омиллар каторида диний омилнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Диннинг яратувчанлик ва бунёдкорлик, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятидан фойдаланилганда у ҳамиша жамият ривожига, инсон камолотига хизмат қилган. Аини пайтда, инсониятнинг кўп асрлик тарихи диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, ундаги ғояларни вайронкорлик руҳида талқин этиш одамлар бошига кўппиб кулфатлар келтирганини кўрсатади.

Глобаллашув шароитида эса у янгича шаклу шамойил ва кенг миқёс касб этиб, жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, бундай таҳдидларни “..... илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади”.

Диний мутаассиблик ҳамда ғарбона турмуш тарзини демократия пардози ила экспорт қилишга бўлган уринишларга қарши кураш долзарб сиёсий, маънавий-маърифий, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамонт масаласи эканини англаб этиш бугунги куннинг стратегик вазифасига айланмоқда.

Ҳар қандай таҳдидга нисбатан жамоатчиликнинг ҳозиржавоб сафарбарлиги жиддий омиллардан ҳисобланади. Бу ўринда муаммога илмий ёндашувдан келадиган самаранинг ўрни ўзгача экани маълум. Зеро, турли фан вакилларининг бошини қовуштирган комплекс ёндашувгина диний экстремизм ҳамда “вестернизация”, яъни “ғарблаштириш” сиёсати мураккаб ва энг ёмони-салбий сафарбарбарликка йўналтириш қобилятига эга ўта зарарли ҳодисалар эканини асослашга имкон беради.

Бугунги кунда дунёда динга бўлган қизиқишнинг ўсиши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида маънавиятнинг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқиш бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Жамият глобаллашуви тушунчаси ва унинг моҳияти

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Ҳозирги давр - дунё ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-санноқсиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш қуролилари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир ё икки давлат ёҳуж минтақа ўртасида бўлган. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча китъа мамлакатлари иштирок этган.

Хуллас, уруш қуролилари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ.

Глобаллашув - турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир. Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Француз тадқиқотчиси Б.Банди таърифида глобаллашув жараёнининг 3 ўлчовли эканига урғу берилади:

1. Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён.
2. Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви (бир жинсли) ва универсаллашуви жараёни.
3. Глобаллашув - миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.


Россиялик А.Паршев глобаллашувга қуйидагича таъриф беради: «Аслида, глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий захираларини ўзлаштиришдан иборат».

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири хусусида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айна пайтда, «довулар»дан сақлаш омили эканлигини англаш мумкин.

Дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсив-лашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар жадаллашиб бормоқди. Бундай шароитда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва фундаментализм, ирқчилик ва диний экстеремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бормоқда.

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиш хусусиятлари



**«Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган
воқеалар тўғрисида ҳолис ва тезкор ахборотлар
олишни... кутади».**

***И.А.Каримов, 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси,
52-бет.***

XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.


XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар кескин ва мураккаб ту солган давр бўлди. XX аср сўнгида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатнинг бузилиши натижасида жаҳондаги мафкуравий манзаралар тубдан ўзгарди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. «Совуқ уруш» даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи - ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни

шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда»¹.

**«Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро
полигонларига нисбатан ҳам қўпроқ кучга эга»**

И.КАРИМОВ (Асарлар. Т.7. 86-бет).

ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШ



Панисломизм - XIX аср охирида Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний - сиёсий оқим. Асосчиси - Жамол ад-дин ал-Афғоний. Панисломизм тарафдорлари мусулмонларнинг «бирлиги» ва уларни халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги ғоясини илгари сурган. Айти вақтда панисломизм тарафдорлари диний ислохотчилик позициясида туриб, ислом динини давр талабларига мувофиқ ислох қилишга интиланлар.

XX аср бошларида Туркия султонлари бу назариядан фойдаланиб, мусулмон халқларини ўз қўл остида бирлаштиришга уринган. Бу оқим Ваҳхобийлар, «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимларда бугунги кунда Ўзбекистонда халифалик давлатини тиклаш учун уриниш бўлди.

«Панисломизм» ғоясида ҳозирги кунда турли христиан конфессиялари ҳам тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

XX аср бошларида қуйидаги оқимлар ҳам мавжуд бўлган.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва баръарор таралъиёт йўлида. Т.: 6. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 240-241 - бетлар.

Пантуркизм - большевизмнинг ашаддий душмани эди. I жаҳон уруши арафасида «Ёш турклар партияси», Россияга қарши уруш очишда ягона ташвиқот-тарғибот қуроли вазифасини ўтади, жаидчилик ҳаракатини авж олдиришда бош ролни ўйнади. Пантуркизм оқими, унинг сиёсати Татаристон ва Бошқиристон ўлкаларига 1912 йилларда кириб келди. Большевизм XX аср 20-30 йилларда уларни «миллатчилик»да айблаб, «Шўрога қарши» сифатида бош лидерларини кириб ташлади.

Пантуркистлар - оқ ва қизил империя истибдодига, адолатсизлик ва тенгсизликка қарши курашган, озодлик ва мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар сифатида тарихда қолишди. Улар қонхўрлик, хунрезлик ва зулмга қарши адолат учун курашувчи халқпарварлар эди.¹

1) Россияда большевиклар томонидан «муштумзўр - помещник» ҳисобланган Кондратьев гуруҳи «Саноат партияси» юзага келган.

2) Татаристонда панисломизм ва пантуркизм оқимлари сифатида «Султон Алиевчилик» қарор топган эди.

3) Қиримда «Ибраҳимовчилик».

4) Озарбайжонда «Миллий партия».

5) Ўзбекистонда «Мунавварқоричилик» - «Миллий истиқлол» махфий партияси фаолият кўрсатган.

Аммо, Президентимиз ўринли таъкидлаганидек, бундай қарашлар ортида ҳам содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларини ҳаётимизга қайтадан тикиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилиш ётганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

5. Халифаликни тиклаш.

6. Ислом модернизми.

7. Ислом традиционализми.

8. Ислом фундаментализми.

Бу оқимлар диний ва дунёвий ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирган халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштиришни кўзлаган, соғлом мантиққа мутлақо зид даъводан иборат. XX аср 80-йилларида «Мусулмон биродарлари» ташкилотининг фракцияларга бўлиниб кетиши натижасида қуйидаги диний ташкилот ва партиялар ҳам юзага келган:

1) «Ислом озодлик партияси»

2) «Социал ислохотлар жамияти»

3) «Ат - Такфир вал - Ҳижра»

4) «Жунуд Аллоҳ»

5) «Жиход»

6) «Ҳизбуллоҳ» каби.

Бундан бошқа яна қуйидаги диний оқимлар ҳам мавжуд:

7) Ваххобийлик (XVIII асрда пайдо бўлган).

8) Аҳмадия (IX асрда Покистонда).

9) Ҳизб-ат-таҳрир (1953 йилда Исроилда - тушунтириш, ҳаракат, тўнтариш).

10) Таблиғчилар - етказиш маъно. XX аср Ҳиндистонда, исломга қорлаш.

11) Ақромийлар - 1997-1999 йилларда Фарғонада ва 2005 йил 12-13 майда Андижон оқим сардорига бўйсунди (Ақром Йўлдошев бошчилигидаги).

12) Нурчилар - Туркияда, ҳокимият учун курашга қорлаш.

13) Тавба-экстремистик руҳдаги ҳаракат. Боқуда ва Ўзбекистонга (1991 йил).

14) Ислом уйғониш партияси - 1989-1991 йилларда Тожикистонда.

¹ Узолов Г. Пантуркизм - большевизмнинг ашаддий душмани. «Халъ таълими». 1998, №3, 57-62- бетлар.

- 15) Ислом лашкарлари - 1990-1992 йилларда Наманганда «Отавали-хон» масжидида.
 16) Адолат - 1990-1992 йилларда Наманганда пайдо бўлди.



Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши кутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик, ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратаётган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилиш-ларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.

«Мен, - деб ёзади Президентимиз, - Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир»деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир» (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 93-94-бетлар).

Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган мафкура шакллариининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, Президентимиз таъкидлагандек, уларга гоё ва маърифат йўли билан қарши курашиш лозим.

Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган истиқлолни ҳимоя қиламиз. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-иқромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақил-ликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиш-нинг ибратли намунасини берадиган маконга айланади.

1. Геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтқа-зишнинг **«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил»** деган қадимий тамойилининг қуйидаги йўллари мавжуд:

1) Мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқариш.

2) Минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтириш. Минтақада гегемонликка асосланиб, давлатни заифлаштириш орқали ўз «иттифокчисига» айлантиришга эришиш.

3) Халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасав-вурларни шакллантириш.

2. Минтақада геостратегик манфаатларни ифодаловчи «Бўлиб ташла, ва ҳукмронлик қил» тамойилини тўлдиришга хизмат қилувчи «Имтиёзли ҳамкорликни белгилаш» тамойили ҳам мавжуд. Унинг мақсади:

1) Ҳар бир давлат ким баландир шиори билан имтиёзли ҳамкорликка асосланиши.

2) Айирмачиликни шакллантириш.

3) «Номақбул» давлатлар имкониятларини чеклаш.

4) Мақсад - муайян минтақага таъсир ўтказиш пландармига эга бўлиш.

3. «Тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик» тамойили геостро-тегин манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкам-лашнинг энг оқилона ва тўғри йўлидир. Ўзбекистон бунга амал қилиб келмоқда.

Мафкуравий полигонлар кураши. Полигон - (грек. серқирра). Мафкуравий полигон деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган гоё ёки мафкурани маблағ, ҳам замонавий техник воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий ташвиқот куролларини ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз фойдаси йўлида бошқариб турадиган гоёвий марказга айтилади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис - яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамокда». (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 85-86-бетлар). Шунинг учун ҳам бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли.

Чунки уларнинг таъсири радио, телевидение, газета-журнал, Интернет; умуман, ҳамма ахборот тармоқлари орқали кириб келмоқда. Улар одамларни уйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам тинч қўймаслиги мумкин.

Ядро полигонида тайёрланган курол фақат муайян ҳудудни вайрон қилади, аммо мафкуравий полигонлардан турли ахборотлар, бадий асарлар, ўйинчоқлар, кундалик эҳтиёж моллари шаклида тарқалаётган воситалар эса инсонларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилгандир. Масалан, «диний адабиёт» ниқоби остида хориждан олиб келинаётган айрим китобларда динга сиёсий тус берилади, жиҳод ҳақида нотўғри маълумотлар тарғиботларига ишониб, нотўғри йўлга кириб кетиши мумкин. Ёки беҳаёликни, ваҳшийлик ва зўровонликни тарғиб этадиган фильмлар ҳам мафкуравий полигонлардан юборилаётган зарарли таъсирлардандир.

Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан-янги усулларидан фойдаланадилар. Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очикдан-очик қоралаш, ерга уриш ёки айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму-фанига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд.

Шунингдек, минтақа давлатлари ўртасида зиддиятлар келтириб чиқа-риш ва жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғди-ришга бўлаётган интилишларни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмас-лигимиз лозим.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви (ер шарини қамраб олиш, дунё миқёсидаги, умумий). - ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция мавжуд:

1. Инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллий ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кучмоқда.

2. Миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фунда-ментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг босимини сезиб яшамоқда.

Бу жараённинг муҳим хусусиятларидан бири - турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан қўшилишиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлмоқда.

Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган қарвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Натижада ҳар бир халқ ўзлари учун ана шу маданиятнинг ижобий томонларини ўзлаштирган, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтарган. Масалан, Абу Райхон Беруний Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва рим фалсафаси, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди. Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Яхши, ижобий ғоялар ўрганилган, ижодий ривожлантирилган. Лекин улар негизида ёт ғоялар ҳам кириб қолган. Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни тақиллатиб кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар «ўғри» каби туйнук кидиради.

Эшик қоқиб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитади, ривожлантиради. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин. XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри шаклланмаган эди. М.Бехбудий, Фитрат, М.Абдурашидхонов сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли драматургия шаклланди...

Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйлоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқала-диган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамокда.

Бундай вазиятда ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, мустаҳкам ирода ва дунёқарашига эга бўлмаган одам гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишда намоён бўлаётган мафкуравий тазйиқларга бардош бера олмайди. Японияда пайдо бўлган «АУМ Синрикё» каби зарали оқимлар турли мамлакатлардаги минглаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомбига айлантириб қўйгани бу фикрнинг далилидир.

Умуман, дунёдаги мисилсиз илмий кашфиётлар, универсал технологиялар ва ахборот тарқатишнинг глобаллашуви юзага келди. Бу жараёнлар ўз навбатида дунёдаги юз бераётган мафкуравий вазиятга, муносабатларга жиддий таъсир кўрсата бошлади. Илмий кашфиётлар глобаллашувида мафкура бевосита таъсир этиши объектив ва субъектив омиллар билан узвий боғланиб кетган.

Демак, ғоялар ва қарашларнинг жамиятдаги маълум гуруҳ манфаатларига бўйсундирилиши ва мафкуралаштирилиши - жамият учун, цивилизациялар учун «салбий омилга» айланади.

Натижада, жамиятлар бир - бирига қарама - қарши бўлган қутблар бўлинишигача бориб етади. Ҳодисани «турмушдан», *«жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи»*да деб тушуниш фалсафаси бир томонла-мадир. Бу - *«турмуш, ижтимоий борлиқ онгни белгилайди»*, деган анъанавий фалсафага хос бўлиб, унда муайян мақсадлар жамият ҳаётининг «мафкуралашиб» боришига асос бўлган.

Ёвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири **диний ақидапарастликдир**. Бундай ғоялар муайян даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган, одамларга кўпдан-кўп қабохатлар келтирган. Афсуски, бу ижтимоий иллат инсоният ХХІ асрга қадам қўяётган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда, муайян ҳудудларни эгаллаб олмоқда. Афсуски, бу ғоялар ортидан эргашадиганлар ҳозир ҳам бор. Улар бундай ғояларга асосланиб тинч аҳолига қарши террорчилик, зўравонлик каби жиноятларни амалга оширмоқдалар, ўз ниятларини қабих ҳаракатлар орқали намоён қилмоқдалар. Кейинги 15 йил ичида ақидапарастлар террори натижасида 140 минг киши ҳалок бўлган Жазоир ёки 2001 йил кузигача 20 йилдан ортиқроқ урушни бошидан кечирган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади.

Тарихдан маълум бўлган реал мустабид тузумларни қиёсий таҳлил этиш улар амал қилган мафкураларнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ҳамда бу ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор салбий оқибатларни аниқлаш имконини беради.

Аввало, мустабидчилик мафкуралари ўз давлатларида ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга, ягона дунёқараш тизими ҳукмронлигини ўрнатишга интиладилар. Бу мафкуралар буюк ва ёрқин ўтмишни инкор этадилар. Улар жамиятни инқилобий йўл билан ёппасига қайта тузиш зарур ва уни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар, ўзларигача бўлган кадриятларнинг барчасини ёхуд кўпчилигини бекор қилиб, уларни фақат ўз тамойиллари билан алмаштирмоқчи бўладилар. Масалан, биринчи қарашда,


узоқ ўтмишга қайтишга чақирувчи ислом фундаментализми гўёки бундан мустаснодек туюлади. Бироқ, аслида бунда ҳам ўша андоза сақланиб қолади. Яъни **Ислом фундаментализми** тарих ғилдирагини ўрта аср жаҳолати даврига қайтариш ниқоби остида, «ижтимоий казарма» типдаги бир хиллаштирилган мустабид «келажак»нинг ўзига хос андозасини таклиф этадики, унда инсон фуқаролик ҳуқуқларидан тўлиқ маҳрум қилинади, ҳақиқатда диний террорга дучор этилади. Биз юқорида бундай ғоянинг қандай аянчли оқибатга олиб келишини Ўрта аср Европасидаги инквизиция мисолида кўриб ўтдик.

Ахборот монополияси ҳам сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятни мутлақлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир: «мустабид тузум»да барча ахборот воситалари, жамиятда муомалада бўлиб турган ахборотнинг мазмуни ҳам аппаратнинг қаттиқ назоратига олинади. Зўравонлик ишлатмасдан туриб бутун монополиялар тизимини сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлат терроризми, террорни ички сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида қўллаш «мустабидчилик тузумлари» учун хосдир. Туркистонда ҳам инқилобдан кейинги дастлабки йилларда ҳукуматнинг сиёсий террор натижасида бутун-бутун ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар йўқ қилинди. Шу жумладан, мустабид тузумнинг ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари туфайли қарийб 2,5 миллион киши ёки аҳолининг деярли ярми маҳв этилган эди. Ўзбекистонда фақат 1937-1953 йиллар мобайнида (бундан уруш йиллари мустасно) иттифок мустабид машинаси қарийб 100 минг кишини қатағон қилди, улардан 13 минг киши отиб ташланди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзи бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллаб олиши ҳам мумкин. Масалан, XX аср 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафақат итальян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар ва гуманистик кучлар бундай фожиали ва нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, инсониятнинг азал-азалдан ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб келиши - тарихнинг ўзгармас қонуниятидир.

МАФКУРАНИНГ МАҚСАДЛАРИ



Вайронкор ғоя деб, турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч мақсадларга эргаштирувчи, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирадиган, инсоният учун фақат кулфат келтирадиган ғояга айтилади.

Шу билан бирга вайронкор ғояларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини билиш ниҳоятда муҳим. Бу фуқаролар, айниқса ёшлар учун бузғунчи ғоялар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун зарур билимларни эгаллашига ёрдам беради.

Вайронкор ғоялар одамзот бошига кўпдан кўп фожиалар келтирган. Ўрта асрларда Ғарбда амалга оширилган салиб юришлари Шарқдаги муқаддас ерларни христиан бўлмаган халқлардан тозалаш баҳонасида қанчадан-қанча урушлар сабаб бўлган. Вайронкор мафкуралар, вайронкор хатти-ҳаракатлар асосида ғайриинсоний ғоялар ётади. Улар инсонга, инсоният эришган ютуқларга нафрат билан қарашни, бузғунчиликни рағбатлантиради. Диний ақидапарастлик ва терроризм вайронкор мафкураларнинг кўринишларидан биридир.

Диний фанатизм - диний мутаассиблик бўлиб, ҳаётда фақат муайян қоидаларни устун деб биладиган, худо ҳақидаги ҳақиқатни ўзиники қилиб олишга интиладиган, тараққиётни, турли фикрлиликни тан олмайдиган, ҳар қандай янгиликни куфрга йўядиган зарарли оқим. Бугунги кунда бизнинг минтақамизда 1) ваҳҳобийчилик, 2) «Ҳизбут-таҳрир», «Ақромийлар» каби ақидапарастлик оқимлари ўз ғояларини ёйишга ҳаракат қилмоқда. **Ақида** - арабча эътиқод қилиш маъносини билдиради. **Ақидапарастлик** - ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли. Ақидапарастликнинг тескараси ҳурфикрлиликдир. **Ҳурфикрлилик** - эркин фикрлаш асосида ҳақиқатни англаш дегани. Ақидапарастлик ўрта асрларда Ғарбда инквизиция шаклида намоён бўлган. Ақидапарастлик бугунги кунда Афғонистон, Шимолий Кавказ ва бошқа минтақаларда ваҳҳобийлик асосида кураш олиб бораётган оқимлар мисол бўла олади.

Терроризм (лот. Terror - қўрқув, даҳшат) - маълум ёвуз мақсад йўлида куч ишлатиб, одатларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдид солмоқда. Жамиятга доимий қўрқув, фитна-ғаламислик муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги ўлдириш ва портлашлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий терроризм XIX асрдаёқ вужудга келган эди. Лекин у XX юз йилликда кенг кулоч ёзди. Ғарбий Германиядаги «қизил армия» ёки «Паодер-майн хор» ва Италиядаги «Қизил бригадалар» гуруҳлари, Испаниядаги басклар ташкилоти, Ольстердаги «Инқилобий-халоскорлик армияси», Перудаги «Порлоқ ҳаёт» каби бирлашмалар замонавий сиёсий террористларнинг биринчи авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида, жумладан, бизнинг ёш давлатимиз чегарасига яқин давлатлар ҳудудларида ҳам терроризм ўчоқлари пайдо бўлди. Улар мустақил Ўзбекистонга қарши куч ишлатишга уриниб кўрдилар. Чунончи, 1999 йилда Тошкентда, Янгиободда, 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларига, Бурчимуллага бостириб кириб, мамлакатимиз тинчлигини бузишга уриндилар. 2004 йил 28 март - 1 апрел кунлари Тошкент шаҳри, Бухоронинг Ромитан тумани ва Тошкент вилоятларида, 2005 йил 12-13 майда Андижон шаҳрида такроран террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Ёвуз кучлар ҳаракати бостирилди.

Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли **ақидапарастликдир**. Бундай мафкуралар муайян даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат XXI асрга қадам қўйган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда.

Ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хавф-хатарлидир.

Ўрта асрларда Ғарбдаги ақидапарастлик мафкураси бўлган инквизиция черковнинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиб, ҳур фикр ривожига, жамият тараққиётига тўсиқ бўлди. Галилей

ва Копперник каби юзлаб буюк ақл-заковат соҳиблари ана шундай ақидапарастлик таъкидига учраганлар. **Жордоно Бруно** илмий қарашлари учун жаҳолат қурбони бўлган.

Шарқда эса Имом Бухорий, Ибн Сино сингари буюк алломалар ҳам турли тазйиқларга дучор бўлганлар. Мансур Ҳаллож, Насимий, Бобораҳим Машраб сингари ҳур фикрли зотлар эса қатл этилган.


Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. Бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо ҳурёш ва огоҳ бўлиб яшамок ҳаётнинг асосий заруратига айланмоқда.

Марказий Осиёда ҳам мураккаб мафкуравий жараёнлар бормоқда. Бунда, аввало, Марказий Осиё халқлари мустақкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдишлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода ҳам улар бирлигини мустақкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки ҳаракатлар умумминтақавий барқарорликка ҳалакит беради.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда 2001 йил кузигача давом этган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Йигирма йилдан ортиқ давом этган ҳарбий мажоралар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроқ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб келди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирган эди.

Кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусиятларидан бири эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор.



Глобаллашувнинг салбий оқибатларига албатта ўз вақтида кураш олиб бориш лозим. Ёшларда дунёдаги мафкуравий манзарасини ва глобаллашув жа-раёнларини теран англаш ва бу борада зарур кўникмалар ҳосил қилиб бормоқ лозим. Бунинг учун биз юқорида баён этганимиздек, ислом экстремизми ва ақидапарастлигига кескин кураш олиб бормоқ учун сиёсий, ҳуқуқий, маънавий билимларимизни чуқурлаштиришимиз лозим. Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг келтириб чиқараётган сабабларини ўрганмоқ керак.

1) Биринчи сабаби - мустанлакачилик ва янги мустанлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми.

2) Халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўровонлик, мусулмон давлатларининг Ғарб мамлакатларидан кучайиб кетмаслигига эришиш нияти, «парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» деган кўп синалган сиёсатни давом эттириш.

3) Учинчи сабаб - иқтисодий камситишлар, калондимоғлик. Бошқа маданият, бошқа цивилизациянинг, хусусан, кўп асрлик илдизларига эга Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини, умуман, исломнинг ўзини яхши билмаслик, тушунмаслик ҳоллари каби сабабларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Марказлашган Осиё минтақасидаги
мафкуравий жараёнлар**



Мафкуравий иммунитет тушунчаси ҳамда жамият хавфсизлиги ва барқарорлигининг маънавий асоси

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборат. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгида бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил 16 февраль, 2004 йил мартдаги Бухоро ва Тошкент, шаҳрида 2005 йил 13 майда Андижон шаҳарларида содир этилган террорчилик воқеаларидан тўғри хулоса чиқариш керак. Ҳар бир давлат, жамиятнинг қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади. Яъни жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қўллаши мумкин бўлган ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади.

Ички ва ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади. Демак, *ғоявий бўшлиқ нима? Ғоявий бўшлиқ - деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан бозлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка дахлдор қадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва*

Бу сабаблар натижасида мустақиллик йилларида, айниқса 1991-2005 йиллар даврида мамлакатимизда экстремистик кучлар ва террорчи тўдалар томонидан амалга оширилган бузғунчилик, вайрончилик ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

XX аср 90-йилларининг бошларида айрим ёшлар, юртдошларимизнинг зарарли ғоя ва мафкуралар таъсирига тушиб қолиш сабабларини Президентимиз Ислом Каримов асарлари асосида қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин:

1. Дастлабки йилларда миллий ғоя, миллий мафкура тўлиқ шаклланиб, одамлар қалби ва онгига сингиб улгурмагани.
2. Ўзбекистон эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бир қатор табиий қийинчиликларга дуч келиши.
3. Бугунги кунда барча ёшларнинг сердаромад иш билан таъминланмаганлиги.
4. Ёш айрим соддадил ёшларнинг ишонувчанлиги туфайли диний қадриятларга интилиш туйғусидан усталик билан фойдаланиши туфайли.
5. Тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли олиб борилмаганлиги (бугун бу ишни сиёсий партиялар «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Камолот» ижтимоий ёшлар ташкилотлари ва ҳ.к. олиб бормокда).

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан *илмий муомалага* бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида *«мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика»* кабилардир. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

«Мафкуравий иммунитет» тушунчасини биринчи бор Президентимиз Ислом Каримов ишлатган ва унга қуйидагича таъриф берган (2000 й. 8 июнда «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларида «Миллий истиклол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» номли суҳбатида): «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига

соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг **мафкуравий иммунитетини** кучайтиришимиз зарур» (Каримов И.А. Асарлар. Т.8. 494-бет).

Демак, мафкуравий иммунитет - давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов «Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур»лиги ҳақидаги фикрни алоҳида таъкидлаганлар (Каримов И.А. Асарлар. Т.8. 494-бет).

Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва **биринчи унсури**, бу **билимдир**. Аммо билимлар кўп... **Иккинчи асосий қисми** ана шу билимлар замирида шаклланидиган **қадриятлар тизимидир**. **Учинчи унсури**: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ.

Талаба мафкуравий иммунитетининг таркибини: 1) мафкуравий билим; 2) ҳис-туйғу; 3) ирода; 4) кўникма ва 5) малакалар ташкил қилади.

Мафкуравий иммунитет миллий мустақилликнинг афзаллигига ишонч асосида курилади. Ишонч эса ишонтириш ва тушунтириш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, Ўзбекистон - дунёвий давлат диний давлатни таққослаш натижасида тушунча ҳосил бўлади.

Демак, мафкуравий иммунитетни шакллантириш муайян вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура олиш малакаларидир.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда **мафкуравий профилактика**нинг ўрни катта. Мафкуравий профилактика хилма хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуи, яъни таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Мафкуравий иммунитет инсоннинг Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги фаолиятида намоён бўлади. Мафкуравий иммунитет эркин, мустақил фикрлашни, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан қарашни, инсонпарварликни кундалик ҳаётини фаолиятга айлантиришни тақозо этади.

Мафкуравий профилактика - мафкуравий иммунитет тизимини шакллантирувчи бош омилдир. У ўз моҳиятига кўра ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шакллар ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Шахснинг мафкуравий иммунитетига таъсир кўрсатиш жараёни мани-пуляция тушунчасида акс этади. Чунки, «давлатчи»нинг таъсири 1) шахсга нисбатан зўрлик, куч ишлатилмайди, балки маънавий, психологик хусусиятга эга; 2) бу таъсирда асл мақсад яширин қолади. Шунинг учун ҳам «ислом дини никобида» деган ибора ишлатилади; 3) ғоявий манипуляция, зимдан таъсир кўрсатувчидан маҳорат ва билимни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ғоявий манипуляцияни мафкуравий кураш, ёт мафкуралар томонидан қўлланилаётган таъсир технологиясининг таркибий қисми, деб аташ мумкин. Яъни, манипуляция одамни у ёки бу ишни қилишга эмас (тарғибот ва ташвиқотдан фарқли ўлароқ), балки шу ишни қилишга хоҳиш, истак уйғотишга хизмат қилади.

Ҳар бир киши ёки жамоа, жамият мафкуравий иммунитетни **беш** даражага бўлиб ўрганиш, баҳолаш, уни шу асосда такомиллаштириш мумкин:

1. Мафкуравий иммунитетнинг қуйи даражаси - шахс, жамоа, жамият юқоридаги билимлардан хабардор эмас, бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ, лоқайд.

2. Даражаси - билимлар бор, лекин улар ҳис қилинмаган, системалашмаган, шу сабабли уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас.

3. Мафкуравий билимларга эга, лекин улар назарий, шахс, жамият уларни қўллашга қийналади.

4. Асосли билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолай олади, ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши иммунитет шаклланган ва уни онгли равишда ишлатади.

5. Олий даража - мукамал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо ҳамма жойда фош қила олади.

Умуман, ХХІ аср бошидаги мафкуравий курашларни *тарғиботлар кураши даври*, деб тавсифлаш мумкин. Бизга таҳдид солаётган мафкуралар «мафтункор», «оммабон» бўлиб кўринсада, пухта, илмий технологик асосга қурилганлиги сир эмас. Чунки уларнинг тарғиботи олдинги ва ҳозирги замонавий мафкуравий кураш усулларига эга. Фақат ғоя, мақсад шакли ўзгарган. Масалан, ана шундай ғоялардан бири *«Халифалик давлатини тузиш»* ғоясидир. «Халифа» сўзининг луғавий маъноси - «ўринбосар», терминологик маъноси «мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бошлиғи» деб талқин этилади. Халифалик давлати мутлақ монархия типидagi давлат бўлиб, давлатни халифа бошқаради. Халифалик давлатининг бошқарув тизими ислом-шариат қонунлари билан белгиланади. *«Ҳизбут-таҳрир»* даъво қилган халифалик давлати эса «Ислом Низоми» номли китобида баён қилинган қонунларга асосан бошқарилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан ривоят қилинган ушбу Ҳадиси шарифда аниқ айтилган: «Халифалик мендан сўнг, умматим ичида 30 йилдир, ундан кейин подшоҳлик бўлади». Ҳозирда *«Ҳизбут-таҳрир»* тарафдорлари минглаб бегуноҳ кишиларнинг ноҳақ қони тўкилса-да, халифалик барпо этилишини мажбурий, деб даъват этмокдалар.

«Ҳизбут-таҳрир» - суннийлик доирасидаги диний-сиёсий партия бўлиб, 1952 йилда Қуддус шаҳрида ташкил этилган. Бу партия фаластинлик Тақийиддин Набоҳоний (1909-1978) томонидан, «Ал-Ихвон ал муслиман» раҳбари Сайид Қутб билан келиша олмай қолганларидан кейин ташкил этилган. «Ҳизбут-таҳрир» (Озодлик) партияси ғоясига кўра мусулмон давлатларида мавжуд бўлган тузумни ўзгартириб, «халифалик» давлатини тузишлик ва бу мақсадни амалга оширишлик учун «Ислом дини» ниқоби остида «Озодлик» партиясига асос солиниб, бу «Ҳизбут-таҳрир» партия-сининг идоравий тўпламлари ва бошқа қонунлари ишлаб чиқилган¹...

Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги тамойили

Инсоният ҳаётида ғояга қарши - ғоя, жаҳолатга қарши - маърифат тамойили. Ислом Каримов 1998 йили «Тафаккур» журнали бош муҳаррири берган саволларига жавобда, тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда бу масалага диққат билан эътибор бериб, «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган шиор ўртага ташланди. Бу масала ғоя ва мафкура тушунчасида ҳам муҳим ўринда туради.

Ёт ғояга қарши биз ўз олижаноб ғоямиздан мактабларимизда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга

¹ Эргашев И. ва бошл. Миллий истиљлол юяси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат бослғичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 106-113-бет.

мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, ҳуруж ва ҳаракатларга қарши чиқишимиз лозим. Бунда энг муҳим масалалардан бири одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши керак. Яъни **фикрга қарши фикр** бўлиши зарур. Шу боис ёшларимизни мактаб ва олий ўқув юртларида эркин фикрлашга, бахслашишга ўргатишимиз керак. Учинчи масала - **жаҳолатга қарши маърифат**. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадидчилик ҳаракати намояндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур. Уларнинг мероси бугунги кунда қандай ўқитилмоқда? Умуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми. Биз истаётган миллий ғурур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми? (Каримов И.А. Асарлар. Т.8., 468-469-бетлар).

Мазкур тамойилга кўра ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашга интилиш хисси инсон қалбидаги эътиқод, одам онгидаги дунёқараш ўз-ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятидан далолат беради. Бундай кураш усули, айниқса бугунги кунда, инсоният тараққиёт борасида жуда илгарилаб кетган ХХІ асрда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки энг кучли қирғин қуроли ишлаб чиқилган, сайёрамизни бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир бўлган ядровий бомбалар заҳираси тўпланиб қолган пайтда ўзаро зўравонлик ва жаҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам мафкуравий **иммунитетни шакллантириш** хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиш кўникмаларидир. Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур». (Каримов И.А. Т.8. 494-бет). Ушбу вазифани миллий истиқлол ғояси бажаради. Президентимиз «**Миллатни асраш керак**» деган ғояни илгари сурди. Миллатни асраш - ўзлигимизни, одоб-ахлоқимизни, меросимиз, қадриятларимиз ва миллий руҳимизни зарарли ғоялар ва мафкуралар таъсиридан авайлаб-асраш, уларга қарши фуқароларимиз ва ёшларимиз қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш деган маънони англатади². Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафкура билан қуроллантириш керак. Миллий истиқлол ғоясининг асосий вазифаси эса халқимизда миллий эътиқод ва дунёқараш асосларини шакллантиришдан иборат.

Маърифат воситасида курашиш деб, бирон бир хавфнинг моҳиятини чуқур англаб, унга қарши билим билан онгли равишда курашишга айтилади.

Жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси, унинг мақсад-муддаоси бўлиши керак. Модомики, мақсад, ғоя ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, олдин баён этганимиздек, «Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни - халқ, миллатни - миллат қила билсин, кўлимизда енгилмас бир кучга айлансин». (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 89-бет).

Виждон эркинлиги бизда Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддаси ва 1998 йилги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан қафолатланиб келинмоқда. Бундай жамият мафкураси «Дунёвийлик - даҳрийлик эмас» деган тушунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор қилмайди. Биз юқорида мафкуранинг дунёвий ва диний илдизлари ҳақида фикр юритганимизда бу

² Эргашев И. ва бошл. Миллий истиқлол юяси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат бослғичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 78-бет.

масалага тўхталган эдик. Ҳақиқатан дунёвий ва диний ғоялар бир-бири билан муштаракликда ривожланади. Улар инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатиб келган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Глобаллашув, дунёвий ғоялар, диний ғоялар, ақидапарастлик, диний фундаментализм, фанатизм, мафкуравий иммунитет, ғоявий бўшлиқ, мафкуравий полигонлар, дунёнинг мафкуравий манзараси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., “Ўзбекистон”, 2000 й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., “Ўзбекистон”, 2008й.
3. Азизхўжаев А.Чин ўзбек иши. Т. “Ўзбекистон” 2011 й.
4. Азизхўжаев А., Умарова Н., Қўчқоров Р. “Академия” Т, 2001.
5. Назаров Қ. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. -Т.: «Ижод дунёси», 2002.
6. Отамуратов С., Ҳусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002 й.
7. Рахимов Ж. Маънавият асослари. Т., ТДЮИ, 2009 й.

Қуйидаги Интернет сайтларидан фойдаланилди.

1. [www. gov. uz](http://www.gov.uz)
2. [www. press - service. uz](http://www.press-service.uz).
3. [www. bilim. uz](http://www.bilim.uz).
4. [www. philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).
5. [www. filosofiya.ru](http://www.filosofiya.ru).
6. [www. philosophy.nsc.ru](http://www.philosophy.nsc.ru).
7. [http // philosophy.albertina.ru](http://philosophy.albertina.ru).
8. [www. history.ru](http://www.history.ru).
9. [www. philosophy.com](http://www.philosophy.com).